



Нўъмон ибн Башир (р.а.)нинг бундай деганини эшитдим:

Расулуллоҳ (с.а.в.) одамларга юзларини қаратиб, "Сафларингизни тўғриланглар!" дея уч марта марҳамат қилдилар ва бундай дедилар:

"Аллоҳга қасамки, сафларингизни тўғриланглар ёки Аллоҳ қалбларингизни бир-бирига муҳолиф қилиб қўяди".

Нўъмон ибн Башир (р.а.) айтади: "Мен одамларни шеригининг елкасига елкасини, тиззасига тиззасини ва тўпиғини тўпиғига ёпиштирганини кўрдим" (Абу Довуд, 1/662; Байҳақий, 3/4964; Ибн Ҳиббон, 5/2176; Ибн Хузайма, 1/160; Баззор, 1/3285).

Мазкур иккита саҳиҳ ҳадиси шарифнинг матнига назар солсак, ундан сафда турганда намозхонларнинг елкалари, тиззалари, тўпиқлари, оёқлари бир-бирларининг елкалари, тиззалари, тўпиқлари, оёқларига ёпиштириб, теккизиб туриши ҳақидаги ҳукм чиқарилиши керак. Бироқ, негадир оёқларини бир-бирига теккизишга ҳаракат қилиб, чотини кенг очадиганлар, фақат тўпиқни, аниқроғини оёқ учини теккизишга интиладилар. Тўпиқларни ҳам, тиззаларни ҳам, елкаларни ҳам баробар теккизиш лозимлиги борасидаги ҳадис ҳукмидан уларнинг назарлари четда қолиб келади.

Шуни билиш лозимки, аҳли суннат ва жамоанинг тўрт мазҳаб уламоларининг бирортаси ушбу ҳадислардан елка, тизза, тўпиқ ва оёқларни бир-бировникига теккизиб туриш лозим, деган ҳукмни олган эмаслар. Саҳобалар давридан бошлаб XIV аср давомида жами мусулмонлар, тўрт мазҳабга эргшиб келаётган намозхонлар орасида чотини кенг очиб турадиганлари чиққан эмас. Бунинг сабаби нима? Оқил инсон мазҳаб уламоларини айбламасдан, "мазҳаб аҳли ҳадисга қарши иш қиладилар", демасдан, асрлар давомида яшаб ўтган содда намозхонларни гумроҳликда айбламасдан, мазкур ҳадисларни бошқача тушуниш кераклигини, унинг борасида мазҳаб уламолари каби фикрлаш лозимлигини, англаб етади.

Намозда қиёмда турганда оёқлар ораси қандай ҳолатда туриши борасидаги мазҳаблар фикри ҳақида Абдурраҳмон ал-Жузайрий (р.х.)нинг "ал-Фикҳ ъала-л-мазоҳиб ал-арбаъа" асарида қуйидагилар зикр қилинган: "Қиём ҳолатида икки оёқни очиш миқдори жуда яқин ҳам, жуда узоқ ҳам бўлмаслиги керак. Фақат семизлик, тўлалик, барвасталик ва шунга ўхшаш узр билан бўлса, жоиз. Мазҳабларда унинг миқдори борасида ихтилофлар

бор. Ҳанафийлар икки оёқ орасини тўрт бармоқ миқдори очиш деб белгилаганлар. Ундан ортиқ ёки кам бўлса, макруҳ бўлади. Шофиъийлар эса бир қарич деб белгилаганлар. Улар ораси бундан қисқа ёки ортиқ очилса, макруҳ бўлади. Худди бу бир оёқ олдинроқда, бириси орқароқда тургандек макруҳ бўлади. Моликийлар икки оёқ орасини очишни суннат эмас, балки мандуб бўлади, дейдилар. Улар фикрича, икки оёқ ораси бир-бирига теккизилган ёки жуда очилган ҳолатда эмас, балки урфда ёмон кўрилмайдиган ҳолатдаги ўртача очилиши керак. Ҳанбалийларнинг фикрлари ҳам моликийлар сингаридир, фақат улар мандуб ёки суннат деб белгилаган эмаслар" (Абдурраҳмон ал-Жузайрий. ал-Фиқҳ ъала-л-мазоҳиб ал-арбаъа. 1-жилд. – Қоҳира: ал-Мактаб ас-сақофий, 2000. – Б. 202).

Ваҳба аз-Зухайлий (р.х.) айтишига қараганда, қиёмда оёқнинг тўрт бармоқ ёки бир қарич ёхуд ўртача очиқ туриши хушуънинг кўриниши ва унинг ифодасидир. Билакс, оёқларни бир-бирига ёпиштириб туриш ёки урфда ғайритабиий кўринадиган ҳолда ҳаддан ташқари очиб туриш хушуънинг тескарисидир (Ваҳба аз-Зухайлий. Ал-Фиқҳ ал-исломий ва адиллатуху. 1-жилд. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 2001. – Б. 695).

Демак, тўрт мазҳабнинг фикҳий қарашларига кўра намозда қиёмда турганда икки оёқ ораси жуда катта очилган бўлмаслиги, урфда ва одамлар назарида ғайритабиий кўринмаслиги даркор. Шунинг учун ҳам, намозларда икки оёқларини кериб, кенг очиб туриш ҳолати намоз борасидаги миллий-диний анъана ва қадриятларга тўғри келмагани боис эриш туюлади. Унда юқоридаги иккита ҳадиси шарифни қандай тушунганлар? Булар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) Намоз сўнггига қадар елкаларни елкаларга, тиззаларни тиззаларга ва қадамларни қадамларга ёпиштириб туриш кучли машаққат бўлиб, айниқса, қадди-қоматлари ҳар хил бўлган намозхонларнинг бу ишни қилишлари жуда қийин кечади. Зотан, қад-қоматлари турлича одамларнинг бир сафда турганларида ушбу аъзоларини бир-бирига теккизиш ҳақиқатдан ҳам юз бериши қийин. Аллоҳ таоло бизни ҳараж-машаққатга таклиф қилмаган:

أَلَا تَرَ أَنِّي أَسْأَلُ لَلْأَفْئِدَةِ {286}

"Аллоҳ бирорта жонни фақат тоқати етган нарсага таклиф қилган" (Бақара, 286).

أَلَا تَرَ أَنِّي أَسْأَلُ لَلْأَفْئِدَةِ

"Бирорта жонни фақат тоқатига кўра таклиф қиламиз" (Анъом, 152; Аъроф, 42; Мўъминун, 62).

عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

"Аллоҳ сизларга машаққатни хоҳламайди" (Моида, 6).

عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

"Сизларга динда машаққат қилмади" (Ҳаж, 78).

2) Иккинчи сабабни "Олтин силсила"ни нашрга тайёрловчилар айтганлар: "Намоз маълум ва машҳур ибодат. Бу ибодат фарз қилингандан бошлаб кўп йиллар давомида ҳаммининг иштирокида ва кўз ўнггида адо этилган. Расулуллоҳ (с.а.в.) намозни кўпчиликка ўргатганлар. Жумладан, сафда туришни ҳам. Ўша машҳур ривоятларнинг бирортасида сафда турган одам оёғини кериб, ёнида турган кишининг оёғига теккизиши фарз, вожиб, суннат ёки мустаҳаб экани айтилмаган. Намозга ўхшаш машҳур нарсаларда биргина саҳобийнинг гапи ҳужжат қилиб олинмайди" (Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий. 1-жилд. – Тошкент: Nilol-nashr, 2012. – Б. 652).

"Олтин силсила"да айтилишича, қадамларни бир-бирига теккизиб туриш ҳақидаги гап биргина саҳобий – Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинган. Чунки, юқорида келтирилган иккинчи ҳадис Нўъмон ибн Башир (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиб, унинг Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳадис эшитиб ривоят қилганига ҳадисшунослар томонидан шубҳа билдириб келинади. Чунки, у Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотидан саккиз ёки олти йилча илгари туғилган. Бу ҳақида манбаларда алоҳида тилга олинган (Ибн ал-Асир. Асад ал-ғоба фий маърифат ас-саҳоба. 5-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. – Б. 311; Ибн Абдулбарр. Ал-Истиъоб фий маърифат ал-асҳоб. – Уммон: Дор ал-аълум, 2002. – Б. 724).

Демак, агар "Саҳиҳ ал-Бухорий"да келган ҳадис ўтиб кетган бир ҳолатни ифодалаш учун айтилган бўлиб, унда намозда туриш суннати билдириб ўтилган эмас. Намозда оёқларни кенг очиб туриш суннат ёки мустаҳаб бўлмагани боис бу ҳолат фақатгина биттагина саҳобадан ривоят қилинган. Акс ҳолда, айниқса намозларга бепарво бўлмаган саҳобалар ва тобеъинлар бу ҳолатга катта эътибор қаратган ва уни ўз шогирдларига қаттиқ уқтирган бўлардилар. Бинобарин, бундан барча ҳадислар ҳам гарчи саҳиҳ бўлса ҳам суннатлар, аниқроғи шаръий ҳукмларни ифодалаб беролмаслиги маълум бўлади. Балки суннатликни саҳобалар, тобеъинлар ва мужтаҳид уламоларгина билиб, қайси ҳадисда суннат баён қилинганини билдира

олишлари мумкинлиги аниқ бўлади.

3) "Саҳиҳ ал-Бухорий"нинг энг машҳур шарҳларини ёзган буюк ҳадисшунос олимлар Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (р.х.) ва Бадриддин ал-Айний (р.х.) юқоридаги сафларда бир-бировнинг оёқларига оёқларини теккизиб туриш ҳақидаги ҳадис борасида *لا يَدْخُلُ فِيهِ لَذْبٌ دَارِمٍ* - "Бундан мурод сафларнинг тўғрилаш ва унинг очиқлигини йўқотиш борасидаги муболағадир", деган (Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатҳ ал-Борий. 2-жилд. - Риёз: Дор Таййиба, 2005. - Б. 611; Бадриддин ал-Айний. Умдат ал-қори. 5-жилд. - Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001. - Б. 377). Яъни, бундан оёқларни бир-бировниқига теккизиш ҳақиқий маънода эмас, балки сафларни жипслаштириб туриш маъносида тушунилиши керак. Яъни, оёқларни бир-бировниқига теккизиш суннат ёки мустаҳаб эмас, балки ҳадис ибораларидан жуда текис ва ўта жипс ҳолда сафланиш лозим эканини тушуниш керак бўлади.

4) Намозда оёқларни кенг очиб, намозхонлар бир-бирларининг оёқларига оёқларини теккизиб туришлари керак, деганлар келтирган юқоридаги ҳадиси шарифларга назар солинса, улардаги оёқларни бир-бирига теккизиб туриш ҳақидаги сўз Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзларининг буйруғи ёки амрлари эмас, балки саҳобийнинг гапи экани англашилади. Саҳоба эса оёқларни бир-бирига теккизиб туришни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг даврида бир муддат қилганларини айтганларини ҳам тушуниш мумкин. Чунки, икки саҳоба ҳам: "Бизлардан ҳар биримиз елкасини шеригининг елкасига ва оёғини эса унинг оёғига теккизиб турар эдик" ва "Мен одамларни шеригининг елкасига елкасини, тиззасига тиззасини ва тўпиғини тўпиғига ёпиштирганини кўрдим" деб гапни ўтган замонда айтганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг умрларининг охириги йилларида ва хусусан саҳобалар даврида намоз ўқишда ҳеч ким оёқларини ёнидаги кимсанинг оёқларига теккизиб турган эмас. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг даврида, исломнинг энг гуллаган даврида ва, хусусан, саҳобалар даврида намозда оёқларни кенг очиб туриш одати бўлмаган. Бунга далил сифатида алоҳида ҳадиси шарифни ҳам келтириш мумкин:

لَا يَدْخُلُ فِيهِ لَذْبٌ دَارِمٍ ، لِيُوطَلَ دَيْمُحَ أَنْ رَبَّحَ ، مُيَسُّهُ أَنْ تَدَحَ ، رُكَبٌ وَبَأْ أَنْ تَدَحَ ، مُكَارَأٌ يِّنِ إِفْ ، أَوْصَارَتٌ وَمُكْتَالِصٌ فِي أَوْلَدَتُعَا : مَلَسُو هَيْلَعِ هَلَلِ إِصْ هَلَلِ الْوُسْرَ هَمَدَقُو وَبِحَاصِ بَكْنَمُ هَبْ كُنْمُ قَزْلِي أَنْ دَحَ أُتِي أَرْدَقِلْ : سَنَأَلِاقُ ، يَرْهَطَ إِأَرْوَنَمُ سُوْمَشْ لِعَبُّ هَنَّأَكُ مَهَدَحَ إِ رَتَلْ مَوْيَلِ الْكَلْدُ لِعَفَتَتْ بَدَدَوْلُو ، وَهَمَدَقِبْ

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Намозларингизда тўғри туринглар, зич бўлиб туринглар! Чунки, мен сизларни орқа тарафимдан



"Намозга иқомат айтилса, сафларни тўғриланглар, елкаларни баробар тутинглар! Зотан, сафларнинг тўғри бўлиши намознинг тўлиқлигидан далолатдир" (Молик, "Муватто, 1/234; Байҳақий, 3/5626; Абдурраззоқ, 3/5373).

Мазкур маънодаги ҳадиси шарифларни шарҳлар экан, Зафар Аҳмад ал-Усманий ат-Таҳонавий (р.х.) "Эъло ас-сунан"да: "Баъзингиз баъзингизнинг тўғрисида турсин. Ҳар бир намозхоннинг елкаси бошқасининг елкаси баробарида бир-бирларига тегиб турсин. Токи, елкалар, бўйинлар ва қадамлар битта йўналишда бўлсин", деб изоҳлаган (Зафар Аҳмад ал-Усманий ат-Таҳонавий. Эъло ас-сунан. 3-жилд. – Байрут: Дор ал-фикр, 2001. – Б. 1441).

Демак, юқоридаги изоҳотлардан маълум бўладиги, мусулмонлар янги-янги фатволар ва қарашларга эмас, балки анъанавий исломга, асрлар давомида амалда бўлиб келган фатволарга ва урфдаги фикҳий масалаларга суяниши энг тўғри йўл ҳисобланади. Хуллас, ҳар бир намозхон ҳам намозда турганида оёқлари орасини кўпчилик қилаётган ҳолатда тутгани маъқулдир.

Ҳамидуллоҳ Беруний тайёрлади